

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУРАХМОНОВ БОТИРЖОН МИРЗАМАХМУДОВИЧ

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ГЕОГРАФИК МАДАНИЯТИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШДА ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ
(табiiй география мисолида)

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (география)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Абдурахмонов Ботиржон Мирзамахмудович

Мақтаб ўқувчиларининг географик маданиятини шакллантиришда таълим воситаларидан фойдаланиш методикаси (табиий география мисолида).....3

Абдурахмонов Ботиржон Мирзамахмудович

Методика использования средств обучения в формировании географической культуры школьников (на примере физической географии).....25

Abdurakhmonov Botirjon Mirzamaxmudovich

Methodology of using educational means in the formation of the geographical culture of schoolchildren (for example physical geography).....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works51

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУРАХМОНОВ БОТИРЖОН МИРЗАМАХМУДОВИЧ

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ГЕОГРАФИК МАДАНИЯТИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШДА ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ
(табiiй география мисолида)

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (география)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Ped419 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.namdu.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Авазов Шериммат
педагогика фанлари номзоди, профессор

Расмий оппонентлар:

Камолов Баходир Асомович
география фанлари доктори, доцент

Матсаидова Сайёра Худайбергановна
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:


Фарғона давлат университети


Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «24» 09 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160107, Наманган шаҳри, Бобуршоҳ кўчаси, 161-уй. Наманган давлат университети мажлислар зали. Тел.: (+99869) 228-85-01, факс (+99869) 228-85-02, e-mail: info@namdu.uz).


Диссертация билан Наманган давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (5 - рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316 - уй, Тел.: (+99869) 227-29-81.

Диссертация автореферати 2021 йил «10» 09 кун тарқатилди.
(2021 йил «10» 09 даги 5 рақамли реестр баённомаси).




Т. Файзуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор


Ш. К. Хужамбердиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)


К. М. Боймирзаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, г.ф.д.(DSc), доцент

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бутун дунёда маҳаллий, минтақавий ва глобал кўламдаги геоэкологик муаммолар табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг кескинлашиши, атроф-муҳитга антропоген таъсирларнинг кучайиши оқибатида вужудга келмоқда. Бундай вазият табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш ҳамда атроф-муҳитга янги муносабатни шакллантиришни тақозо қилмоқда.

Бугунги кунда инсоният манфаати йўлида атроф-муҳитда кечаётган табиий ҳамда ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг маконий тузилмасини ўрганишга асосий эътибор қаратилмоқда. Бундай ёндашув география фани мазмунида ўз аксини топган ва у шахс ва жамиятнинг географик маданиятини шакллантириш омилига айланган. Географик маданият – бу инсониятнинг географик маконни маҳаллий, минтақавий ва глобал миқёсда билиши, ўзлаштириши ва ўзгартириши билан боғлиқ бўлган тарихан шаклланган ижтимоий тажрибаси. Демак, географик маданият ўзбек халқи маданиятининг бир қисмидир; у маҳаллий табиатга хос хусусиятлар, халқнинг кўп асрлик анъаналари билан чамчарчас боғлиқ. Географик маданият – бу “табиат – одам – жамият”нинг биргаликдаги эволюциясини тушуниш ва таъминлашга ёрдам берувчи географик билим ва тажрибани эгаллаш жараёнида шахс эришган комиллик даражасидир. Географик маданият барқарор тараққиёт концепциясининг учта асосий таркибий қисмини, яъни иқтисодий ривожланиш, ижтимоий тараққиёт ва экологик барқарорликни синтезлашга қодир бўлган ўқимишли, ижодкор шахс фазилятларидан бири сифатида шахс маънавияти ва ахлоқини табиат ва жамиятга муносабат даражасида қараб чиқишга имкон беради. География таълими – географик маданиятни шакллантиришнинг асоси бўлиб, Ер сайёрасини авайлаб асраш учун жамиятнинг онгли ижтимоий, иқтисодий ва экологик фаолиятига йўналтирилган табиат (атроф-муҳит) ва жамият (одам) ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштиришга ёрдам беради.

Мамлакатимизда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифалар¹ белгиландики, улар мактаб ўқувчиларида географик маданиятни шакллантиришни янада долзарб муаммога айлантирди. Мактаб географияси – мактабда географик билим, кўникма, малака ва компетенцияларга асосланган ҳолда атроф-муҳит билан энг мақбул, оқилона мулоқотни ўрната оладиган географик маданиятли шахсни шакллантирувчи ягона ўқув фани. Бироқ мактаб географияси мазмунининг мураккаб тузилганлиги, назарий ва амалий билимлар, кўникма ва малакаларнинг бир-бирига номувофиқлиги, ўқув дастурлари мазмунида узвий боғланишнинг етарли эмаслиги, география таълими воситалари ва улардан самарали фойдаланиш тажрибасининг камлиги географик маданият шаклланишининг таянч даражасини таъминламаяпти. Бу муаммонинг ечими мактаб география таълими

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

мазмунини янгилаш орқали географик маданиятни шакллантиришга имкон берувчи педагогик механизмларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4477-сон “2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари қабул қилиндики, мазкур диссертация тадқиқоти юқоридаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда, хусусан, ўқувчиларнинг географик маданиятини шакллантириш жараёнига муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда барқарор тараққиёт муаммосининг географик, геоэкологик жиҳатлари, шунингдек, географик билимларни эгаллаш, таълим воситаларидан фойдаланиш ҳамда атроф-муҳитга онгли, масъулиятли муносабатда бўлиш каби масалалар А.А.Абдулқосимов, И.Х.Абдуллаев, А.А.Азизов, Ш.Авазов, Л.А.Алибеков, П.Баратов, Б.А.Камолов, А.Н.Нигматов, А.А.Рафиқов; географик маданият ва уни шакллантиришнинг айрим назарий жиҳатлари А.Г.Абдуллаев ва С.Х.Матсаидова² томонидан асослаб берилган.

² Абдулқосимов А.А., Абдулқосимов А., Абдулқосимов И. Антропогенные ландшафты Средней Азии. – Т.: “Иқтисод – молия”, 2016. – 262 с.; Азизов А.А., Акиншина Н.Г. Барқарор тараққиёт манфаатларини кўзлаган таълим//UNESCO & National Commission of the Republic of Uzbekistan for UNESCO. – Тошкент, 2009. – Б. 242.; Авазов Ш. Қишлоқ мактаблари юқори синф ўқувчиларини ўлкашунослик фаолияти жараёнида экологик тарбиялаш: Пед. фан. номз ... дисс. – Тошкент, 1993. – 161 б.; Алибеков Л.А. Алибекова С.Л. Орол денгизи: кеча, бугун, эртага // Орол хавзаси геоэкологик муаммолари: илмий ғоялар, тадқиқотлар, инновациялар: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами (2019 йил 14-15 июнь). – Тошкент, 2019. – Б.31-36.; Баратов П. Табиатни муҳофаза қилиш: Ўқитувчилар учун факультатив курс юзасидан қўлл. – Т.: “Ўқитувчи”, 1991. – 256 б.; Kamolov B. A., Abdurahmanov S.T. Geografiyaning asosiy muammasi. O'quv qo'llanma. – Namangan, 2016. – 132 б.; Нигматов А.Н. Табиий география ва геоэкология назарияси. – Т.: «Наврўз», 2018. – 220 б.; Рафиқов А.А. Табиатда экологик мувозанат. – Тошкент: Фан, 1990. – 88 б.; Матсаидова Сайёра Худайберганоўна. Мактаб ўқувчиларида табиий географик матнлар билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш. Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2008 – 23 б.

МДХ давлатлари олимларидан Н.Н.Баранский, И.И.Барина, А.В.Даринский, Н.Н.Демидова, И.В.Душина, С.А.Кравченко, О.А.Манзадей, В.П.Максаковский, О.С.Михайловский, В.В.Николина, Л.М.Панчешникова,³ Ю.Г.Саушкин, Д.П.Финарев, И.И.Фазылзянова ва Л.М.Хакимовлар³ томонидан географик маданиятни шакллантиришнинг назарий ва амалий асослари тадқиқ этилган.

Хорижлик олимлар R.Goodland, D.Harvey, P.Haggett, R.Peet, Ch.Rawding, E.Perramond⁴ ва бошқаларнинг тадқиқот ишларида географик билимларни эгаллашнинг назарий ва амалий даражалари асослаб ёритиб берилган.

Бироқ умумтаълим мактаблари ўқувчиларини ҳар томонлама ривожлантириш, таълим-тарбия жараёнларини самарали ва сифатли ташкил этиш, география фанининг мазмунини такомиллаштириш масалаларига оид кенг кўламли тадқиқот ишлари амалга оширилаётган бўлса-да, табиий география курсларида таълим воситаларидан фойдаланиш асосида ўқувчиларнинг географик маданиятини шакллантириш жараёни алоҳида тадқиқот сифатида ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасидаги “Ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришнинг табиий, ижтимоий, иқтисодий ва экологик омилларини тадқиқ қилишнинг минтақавий хусусиятлари (Фарғона водийси мисолида)” мавзусида олиб борилаётган комплекс илмий ишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўқувчиларнинг географик маданиятини шакллантиришда таълим воситаларидан фойдаланиш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

умумтаълим мактаблари ўқувчилари географик маданиятини шакллантириш жараёнининг дидактик жиҳатлари ва таълим воситаларининг функционал имкониятларини ўрганиш, аниқлаш ва таҳлил қилиш;

умумтаълим мактаблари ўқувчилари географик маданиятини шакллантиришга имкон берувчи таълим воситаларидан фойдаланишнинг

³ Демидова Н.Н. Теория и методика формирования геоэкологической культуры школьников средствами географии: автореф. дис ... докт. пед. наук. – Нижний Новгород, 2012. – 48 с.; Кравченко С. А. Педагогические условия развития географической культуры студентов: дис. ... канд. пед. наук. – Курск, 2002. – 225 с.; Максаковский В.П. Географическая культура: учебное пособие для студентов ВУЗов. – М.: Гуманит. Изд. Центр ВЛАДОС, 1998. – 416 с.; Михайловский О. С. Формирование географической культуры в условиях гимназического образования: автореф. дис ... канд. пед. наук. – Санкт-Петербург, 2007. – 25 с.; Фазылзянова И.И. Формирование эколого-географической культуры старшеклассников на основе интеграции предметов образовательной области "Обществознание": автореф. дис ...канд. пед. наук. – Казань, 2012 – 23 с.; Хакимов Л. М. Формирование эколого-географической культуры учащихся в общеобразовательных школах и гимназиях (VI - IX классы): автореф. дис ... канд. пед. наук. – Казань, 2005. – 23 с.

⁴ Goodland Robert. Race to Save the Tropics: Ecology And Economics For A Sustainable Future Published. Island Press. Hardcover, 1990. 225 p.; Harvey David. Justice, Nature and the Geography of Difference, Oxford University Press, Blackwell. 1996. – 504 p.; Haggett Peter. Geography: A Global Synthesis Prentice Hall, 2001. – 833 p.; Richard Peet. Modern geographic thought. – Blackwell, 1998.; An introduction to Human-Environment Geography: Local dynamics and global processes. John Wiley & Sons. Published 2013 by Wiley-Blackwell, Kindle Edition – 416 p.

педагогик моделини яратиш ва уни такомиллаштириш;

умумтаълим мактаблари ўқувчилари географик маданиятининг шаклланганлик даражаларини рефлексив таҳлил қилиш ва таҳлилий фаолият натижаларини аниқлаштириш;

ўқувчилар географик маданиятини шаклланишини таъминловчи таълим воситалари мажмуасидан фойдаланишнинг методик имкониятларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг географик маданиятини шакллантиришда таълим воситаларидан фойдаланиш жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предметини ўқувчиларнинг географик маданиятини шакллантириш жараёнида таълим воситаларидан фойдаланиш мазмуни, методлари ва технологиялари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида манбаларни таҳлил қилиш, педагогик кузатув, суҳбатлар, тест ва сўровлар ўтказиш; педагогик тажриба-синов ишлари, қиёсий таҳлил, моделлаштириш, лойиҳалаштириш, математик-статистик қайта ишлов бериш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

умумтаълим мактаблари ўқувчилари географик маданиятини шакллантириш жараёнининг тасвирий-дидактик жихатлари таълим воситалари таснифланишида таълим, муҳит ва улар орасидаги узлуксизлик ва узвийликни ҳисобга олиш асосида такомиллаштирилган;

умумтаълим мактаблари ўқувчилари географик маданиятини шакллантириш методик тизими модели таълим воситаларидан фойдаланишнинг механизмлари ва модел компонентларининг узвий боғлиқлиги асосида ишлаб чиқилган;

умумтаълим мактаблари ўқувчилари географик маданиятининг шаклланганлик даражаларини рефлексив таҳлил қилиш ва таҳлилий фаолият натижалари харитаграфик саводхонликнинг кафолатланган самарадорлиги кўрсаткичлари орқали аниқлаштирилган;

ўқувчилар географик маданиятини шаклланишини таъминловчи таълим воситалари мажмуасидан фойдаланишнинг дидактик, эргономик методик талаблари электрон дарслик, интерфаол харитаграфик қўлланмалар асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мактаб табиий география курсларида таълим воситалари мажмуасидан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш ўқувчилар географик маданиятини шакллантириш омили эканлиги назарий-эмпирик даражада асосланган ва шу асосда табиий география курсининг амалдаги дидактик-методик таъминоти такомиллаштирилган;

табиий география таълими воситалари мажмуасидан фойдаланиш асосида ўқувчиларнинг географик маданиятини шакллантиришга имкон берувчи ўқув-услубий қўлланмалар, кўрсатмалар (“Табиий география: қизиқарли дарс шакллари (ўқув-услубий қўлланма), “Microsoft Paint дастурида географик тасвирлар билан ишлаш” (услубий кўрсатма),

“География таълимида электрон харитаграфик қўлланмалардан фойдаланиш” (услубий кўрсатма), “Образовательные ресурсы сети Интернет в обучении природоведения и географии: мобильные приложения” (методическая рекомендация) ҳамда электрон ишланмалар (“Метеорология” (электрон дарслик), “Табиий география: қизиқарли дарс шакллари” (электрон ўқув-услубий қўлланма), “UzTerra 1.1.” (интерфаол харитаграфик тренажёр), “Электрон харитаграфик каталог”, “Евразия”, “Южная Америка”, “Шимолий Америка” (электрон ўқув-услубий қўлланмалар) ишлаб чиқилган;

ўқувчилар географик маданиятини шакллантиришнинг ташкилий-педагогик модели асосида табиий география таълими воситаларидан фойдаланишнинг методик тизими модели ва уни амалиётга татбиқ этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ва амалий методлар, ёндашувлар ва улар доирасида фойдаланилган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика методлари воситасида асосланганлиги, тажриба-синов иштирокчиларини танлашнинг репрезентативлиги, илмий-услубий асосланган мақолалар чоп этилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўқувчилар географик маданиятини шакллантиришда ўқувчи шахси географик маданиятининг моҳияти, тузилмавий-таркибий қисмлари ва уларни шакллантиришнинг ташкилий-педагогик модели ишлаб чиқилганлиги, ўқувчиларда географик маданиятнинг шаклланганлик мезонлари, уларнинг кўрсаткичлари ва даражалари, шунингдек, географик маданиятни шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари аниқланганлиги, ўқувчиларда географик маданиятни шакллантириш методик тизими модели анъанавий ва замонавий таълим технологиялари, воситаларининг ўзаро алоқадорлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган ва илмий асосланган тавсиялар мактаб табиий география таълими воситалари асосида ўқувчиларда географик маданиятни шакллантиришга, мактаб география ўқитувчиларини методик тизим ва технологиялар билан таъминлашга, табиий география бўйича ўқув дастурлари, босма ва электрон дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар ва шу каби геоахборот воситаларининг методик мажмуасини такомиллаштиришга, география таълими назарияси ва ўқитиш методикаси мазмунини бойитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўқувчиларнинг географик маданиятини шакллантиришда таълим воситаларидан фойдаланиш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

умумтаълим мактаблари ўқувчилари географик маданиятини шакллантириш жараёнининг тасвирий-дидактик жиҳатлари таълим

воситалари таснифланишида таълим, муҳит ва улар орасидаги узлуксизлик ва узвийликни ҳисобга олиш асосида такомиллаштиришга доир таклифлардан Наманган давлат университети 5140600-география бакалавр йўналиши ўқув режасини такомиллаштириш жараёнида, ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқишда, ўқитиш самарадорлигини оширишда, махсус фанлар бўйича ўқув амалиёти, диплом олди амалиёти давомида ҳамда битирув малакавий ишларни бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 22 июлдаги 89-03-2629-сон маълумотномаси). Натижада география бакалаврият таълим йўналиши ўқув дастурлари, ўқув-методик қўлланмалар, кўрсатмалар, электрон ва бошқа воситаларнинг методик таъминоти такомиллаштирилган, “5140600 - География” бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасига “Ўқувчиларнинг географик маданиятини шакллантириш” махсус курси киритилишига эришилган;

умумтаълим мактаблари ўқувчилари географик маданиятини шакллантириш методик тизими модели асосида ишлаб чиқилган таълим воситаларидан фойдаланиш механизмлари ҳамда таълим воситалари мажмуасидан фойдаланишнинг дидактик, эргономик методик талабларини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялари Наманган, Андижон ва Бухоро вилоятларидаги тажрибавий мактабларнинг табиий география фани бўйича ўқув-методик мажмуаси мазмунига сингдирилиб, амалиётга жорий этилган (Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 25 августдаги 02-02/4-516-сон маълумотномаси). Натижада мазкур таълим муассасалари ўқувчиларида географик маданиятни шакллантиришда география таълими воситаларидан фойдаланишнинг методик тизими ва технологиялари такомиллаштирилган, хусусан, ўқувчиларда географик маданият фазилати шаклланишини назорат қилиш, унинг мезонлари, кўрсаткичларини аниқ белгилаш ҳамда ижросини таъминлаш имкониятига эга бўлинган ҳамда умумтаълим мактабларида ўқитиладиган табиий география курслари ўқув-услубий таъминоти такомиллаштирилган;

умумтаълим мактаблари ўқувчилари географик маданиятининг шаклланганлик даражаларини рефлексив таҳлил қилиш ва таҳлилий фаолият натижалари харитаграфик саводхонликнинг кафолатланган самарадорлиги кўрсаткичлари орқали аниқлаштиришга оид ҳамда таълим воситалари мажмуасидан фойдаланишнинг дидактик, эргономик методик талабларини такомиллаштиришга оид таклифлардан табиий география таълими воситалари мажмуаси яратилган, улардан фойдаланиш бўйича ўқув-услубий қўлланмалар, кўрсатмалар (“Табиий география: кизиқарли дарс шакллари”, “География: семинар ва амалий машғулотларни ташкил этиш”, “География таълимида электрон харитаграфик қўлланмалардан фойдаланиш”, “5-синф Географиядан машқ дафтари”, “6-синф Географиядан машқ дафтари”, “Образовательные ресурсы сети Интернет в обучении природоведения и географии: мобильные приложения”) нашр этилган ҳамда электрон дарслик, электрон услубий қўлланма ва ишланмалар (“Метеорология” электрон дарслик. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги

Интеллектуал мулк агентлиги томонидан берилган 2018 йил 9 апрелдаги №DGU-05295-сон гувоҳномаси асосида, “UzTerra 1.1.” интерфаол харитаграфик тренажёр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги томонидан берилган 2021 йил 9 февралдаги №DGU-10424-сон гувоҳномаси асосида, “Табиий география: қизиқарли дарс шакллари”, “Электрон харитаграфик каталог”, “Евразия”, “Южная Америка”, “Шимолий Америка”) ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган (Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 25 августдаги 02-02/4-516-сон маълумотномаси). Натижада умумтаълим мактаблари табиий география курсларининг амалдаги дидактик-методик таъминоти такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 10 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.

Тадқиқот мавзуси бўйича 39 та илмий-методик иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 та хорижий журналларда ва 2 та ўқув қўлланма, 5 та услубий қўлланма, 3 та услубий кўрсатма нашр этилган ҳамда электрон дарслик ва интерфаол харита учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигидан 2 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 3 та боб, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, асосий мазмуни 137 бетни, умумий ҳажми эса 169 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Ўқувчиларнинг географик маданиятини шакллантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида география таълими методикасида таълим воситаларидан фойдаланиш ҳамда географик маданиятни шакллантириш муаммоси тарихий-педагогик таҳлил этилган.

Географиянинг табиат, аҳоли ва хўжаликни ўрганувчи илмий фан ҳамда шахснинг географик саводхонлиги, маданиятини шакллантирувчи ўқув фани

сифатида ривожланиши ўзига хос тарихга эга. Улар ҳамиша ўзаро боғлиқлик ва алоқадорликда ривожланиб келган: илмий географик билимлар география таълимининг асоси ҳисобланган.

География таълими - таълим олувчиларнинг географик билим, кўникма, малака, компетенцияларни эгаллашга, ижодий кучи ва ички имкониятини ривожлантиришга, кадриятларни ўзлаштириш ҳамда мустақил таълим олиш қобилиятларини шакллантиришга қаратилган илмий асосланган педагогик жараён. География таълимининг педагогик амалиётга татбиқи география таълими тизими ва технологияларини ўрганиш бўлган география таълими методикаси воситасида рўёбга чиқарилган. Бу жараёнда география таълими воситалари алоҳида муҳим ўрин тутган.

Зеро, ўқувчининг география таълими мазмунини ўзлаштириши ҳамда географик маданиятни эгаллаши учун ўқув жараёнига киритилган табиий ва махсус тайёрланган объектлар ёки атроф-муҳит предметлари, бошқача айтганда, мактаб география таълими муҳитида ўқув ахборотларини ташувчи, ўқитувчи ва ўқувчилар фаолияти воситаси сифатида қўлланиладиган табиий ва сунъий географик объектлар ҳамда техник жиҳозлар мажмуи география таълими воситалари ҳисобланади.

Таълим воситалари таснифи аниқ, ягона ва ўзгармас бўлмайди, уларни таснифлашга турли асослар бўйича ёндашиш мумкин. Турли ёндашувлар ва таснифларга таянган ҳолда, биз барча таълим воситаларини таснифлаб, бу жараёнда анъанавий ва замонавий таълим воситаларини шартли равишда ажратиб кўрсатдик (1-расмга қаранг).

Табиий география ўқитишда таълим воситалари таълим мазмунини очиб бериш, ўқувчиларни тарбиялаш ва ривожлантиришнинг муҳим ва зарур шартларидан бири. Таълим воситаларининг аҳамиятли жиҳати уларнинг биргаликда қўлланилиши ва ҳеч қачон бир-бирини инкор этмаслигида намоён бўлади. Ўқитувчининг вазифаси - дарс жараёнини фаоллаштириш учун таълимнинг самарали воситасини танлай ва қўллай олиш.


География таълими воситаларидан фойдаланиш ва географик маданият нуқтаи назаридан география таълими ва методикасининг ривожланиш тарихи шартли равишда тўрт босқичга ажратилди:

1-босқич - Қадимги Шарқ, Антик дунё, ўрта асрлар ва Буюк географик кашфиётлар даврида географик билимлар асосида география таълимининг вужудга келиши, мактаб географиясининг шаклланиши (энг қадимги даврдан XVIII асрга қадар);

2-босқич - географик илмий экспедициялар ҳамда назарий кашфиётлар даврида география таълими ва мактаб географиясининг ривожланиши (XVIII асрдан XX аср бошига қадар);

3-босқич - шўро даврида мактаб географияси ва география таълими методикасининг ривожланишини (XX асрнинг боши ва охири);

4-босқич - мустақил Ўзбекистонда мактаб географияси ва география таълими методикасининг ривожланиши (XX аср охири – XXI аср боши).




1-расм. Таълим воситаларининг таснифланиши

Ҳар бир босқич ўзига хос бўлиб, география таълими ва методикасининг изчил ривожланишини таъминлаган: география таълими воситалари азалдан география таълими жараёнининг ажралмас, муҳим таркибий қисми сифатида шаклланган бўлса, ўқувчиларнинг географик маданиятини шакллантириш - мактаб география таълимининг бош мақсади сифатида 2000 йиллар бошида методист олим Р. Қурбонниёзов томонидан илгари сурилган, бироқ шу кунга қадар бу жараённинг мазмун-моҳияти илмий жиҳатдан асослаб берилмаган.

“Географик маданият” тушунчасининг мазмун-моҳияти россиялик олим В.П.Максаковский⁵ томонидан кенг ўрганилган. У таълим соҳасидаги жаҳон ислохотларининг ривожланиш тенденциясида маданиятшунослик ёндашуви ва концепцияси асос қилиб олинганлиги нуқтаи назаридан география бўйича замонавий таълим дастурлари асосига географик маданият ҳақидаги тасаввур қўйилганлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, географик маданият қуйидаги таркибий қисмлардан иборат: 1) оламнинг географик манзараси; 2) географик тафаккур; 3) географик методлар; 4) географик тил.

Ўқувчи шахсида географик маданиятнинг мазкур таркибий қисмлари табиий география таълимининг мазмунига: 1) табиий географик билимлар; 2) табиий географик кўникма, малака ва компетенциялар; 3) табиий географик ижодий фаолият тажрибаси; 4) атроф табиий муҳитга хиссий-қадриятли муносабатлар тажрибаси ва уларнинг вариативлиги бўйича аралаш тузилмасига мувофиқ шаклланади (2-расмга қаранг).

⁵ Максаковский В.П. Географическая культура: учебное пособие для студентов вузов. – М.: Гуманит. Изд. Центр ВЛАДОС, – 1998. – 416 с.




2-расм. Мактаб табиий география таълимининг мазмуни ва ўқувчининг географик маданияти ўрғасидаги ўзаро боғлиқлик

2-расмга мувофиқ “шахс географик маданияти” тушунчасига қуйидагича таъриф берилди: шахснинг табиий ва ижтимоий-иқтисодий муҳит билан боғлиқ бўлган географик билимлари, кўникмалари, ижодий фаолияти ва ҳиссий-қадриятли муносабатлари тажрибаси мажмуасида намоён бўлувчи ва унинг географик тил ва методларни ўзлаштириши, географик тафаккури, оламнинг географик манзарасини тасаввур этиши орқали атрофдаги географик муҳитга ҳиссий-қадриятли муносабат хусусиятларини белгиловчи яхлит, ўзгарувчан, тузилмавий-савияли фазилати. Биз томондан ўқувчида бу фазилатни шакллантиришнинг модели ишлаб чиқилди (3-расмга қаранг).

Табиий география таълими воситалари – табиий география таълими ва географик маданиятли ўқувчи шахсини шакллантириш мақсадига эришиш учун таълимий муҳитда (жараёнда) ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятининг воситаси ҳамда ўқув ахборотини ташувчи сифатида қўлланиладиган инсон томонидан яратилган объектлар ҳамда атроф-муҳит предметлари. Табиий география таълими шакллари ва методлари билан ўзаро боғланган, бир-бирини такрорламайдиган, балки ҳар бирининг педагогик имкониятларини оширадиган таълим воситаларининг мақбул тўплами табиий география таълими воситалари мажмуасини ташкил қилади. Улар ўқувчиларга таъсир кўрсатиш хусусиятлари, мураккаблиги ва келиб чиқишига кўра, табиий, ҳажмли, график, тимсолли, овозли ва мультимедиа воситаларига, кенг маънода, табиий география таълими жараёнини ташкил этиш ва бошқариш воситаларига бўлинади.

Мазкур бобда табиий география таълимида кенг қўлланиладиган анъанавий ва инновацион, рақамли, дидактик, техник ҳамда кўрсатмали, шунингдек, визуал (тасвирий, график, мультимедиа) ва электрон (матнли, тасвирли, овозли) таълим воситаларининг таснифи ва тавсифи ўз аксини топган.



3-расм. Мактаб табиий география таълимида ўқувчиларнинг географик маданиятини шакллантириш модели

Диссертация ишининг “Ўқувчилар географик маданиятини шакллантиришда табиий география таълими воситаларидан фойдаланишнинг методик таъминоти” деб номланган иккинчи бобда ўқувчиларнинг географик маданиятини шакллантиришда табиий география таълими воситаларидан фойдаланишнинг методик тизими ҳамда ўқувчиларнинг географик маданиятини шакллантиришда мактаб табиий географиясининг анъанавий ва замонавий таълим воситаларидан фойдаланиш технологиялари асослаб берилган.

География таълими воситалари мажмуасидан фойдаланиш методикаси қулай, мосланувчан ва ижодий бўлиши лозим. Шу боис асосий эътибор ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти натижасида ўқувчиларда табиий географик билим, кўникма, малака ва компетенцияларнинг даражаларини куйидан юқорига, оддийдан мураккабга томон шакллантириш методикасига йўналтирилди, яъни табиий география таълимининг ташкилий-методик тузилмаси ўқувчиларда географик маданиятни шакллантиришга имкон берувчи таълим воситаларидан фойдаланишнинг яхлит методик тизими сифатида такомиллаштирилди.


Табиий география таълимининг мақсадли, мотивацияли, мазмунли ва жараёнли таркибий қисмлари ўртасида бири иккинчисиз бўлмайдиган узвий боғлиқлик ва алоқадорликлар мавжудки, уларнинг моҳиятини очиб бериш – табиий география таълимининг методик тузилмасини такомиллаштиришга, яъни методик инновациялар (янгидан киритилган методик тартиб-қоидалар) ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этишга шароит яратди. Биз табиий география таълими воситалари ва технологияларига асосланган инновацион методик тизим шаклланса, таълим натижаси ва сифати самарали бўлади, деб ҳисоблаймиз. Шу мақсадда моделлаштириш методидан кенг фойдаландик ва тизимли ёндашув тамойилига амал қилдик.

Шу асосда биз табиий география таълимида ўқувчилар географик маданиятини шакллантиришга имкон берувчи таълим воситалари мажмуасидан фойдаланишнинг турли таълим технологияларига (мантикий таянч матнли, табақалаштирилган, модулли, диалогли, лойиҳавий таълим технологиясига) асосланган методик тизимини ишлаб чиқдик ва асосий таркибий қисмларини ажратиб кўрсатдик (4-расмга қаранг).

Мазкур методик моделда табиий география таълимига яхлит жараён сифатида қаралиб, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро фаолиятини эътиборга олиб, бу жараёнда таълим воситаларининг тутган ўрнини кўрсатдик. Бунда ўқитувчининг жараёни лойиҳаловчи, бошқарувчи ҳамда амалга оширувчи сифатида ўқувчиларнинг шахсий фазилатларини ривожлантириш, географик маданиятни шакллантиришни таъминловчи таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқлиги таъминланди.

Мазкур бобда дарслар ва дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида табиий география таълимининг анъанавий таълим воситалари мажмуидан фойдаланиш усуллари (дарсликлар, географик хариталар, глобус, табиий географик объектлар, ҳажмли таълим воситалари, статистик материаллар), шунингдек, замонавий таълим воситалари асосида интерфаол харитографик қўлланмалар билан ишлаш, электрон дарслик ва қўлланмалар билан ишлаш, интернет таълим заҳиралари билан ишлаш каби технологиялар атрофлича ёритиб берилди.

Диссертация ишининг “**Ўқувчилар географик маданиятини шакллантиришда табиий география таълими воситаларидан фойдаланиш бўйича тажриба-синов ишларининг мазмуни ва самарадорлиги**” деб номланган учинчи бобида тажриба-синов ишларининг мазмуни,



4-расм. Табиий география таълимида ўқувчилар географик маданиятини шакллантиришга имкон берувчи таълим воситаларидан фойдаланишнинг методик тизими модели

ташкилий-методик тавсифи ва педагогик шарт-шароитлари ҳамда ўқувчиларнинг географик маданиятини шакллантириш бўйича тажриба-синов ишларининг таҳлили ва самарадорлиги келтирилган.

Ўқувчиларнинг географик маданиятини шакллантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишлари уч босқичда олиб борилди:

- 1) ташкилий-тайёргарлик босқичи (*асословчи тажриба-синов ишлари*);
- 2) тажриба-синов ишларини ташкил этиш босқичи (*шакллантирувчи тажриба-синов ишлари*);
- 3) якуний босқич (*тасдиқловчи тажриба-синов ишлари*).

Тажриба-синов ишлари методикасининг асосий ғояси тадқиқот ишида илгари сурилган назарий ҳолатларнинг амалиётда ўз аксини топишига имкон берувчи жараёнлар моҳиятини очиб беришдан иборат бўлди. Шу асосда ўқувчиларнинг географик маданиятини шакллантиришга имкон берувчи услубий шарт-шароитларни аниқлаш ва яратишдан иборат бўлган тажриба-синов ишларининг ягона мақсади шакллантирилди. Тадқиқот муаммоси юзасидан ўқувчиларнинг географик маданиятини шакллантириш ҳолати ва амалиёти муаммоларини ўрганиш бўйича дастлабки тажриба-синов ишлари ўтказилди.

Табиий география таълимида ўқувчиларнинг географик маданиятини шакллантиришда таълим воситаларидан фойдаланиш ҳолатини ўрганиш ва таҳлил этиш мақсадида география дарслари ва дарсдан ташқари машғулотлар кузатилди, таълим ташкилотларининг ўқув-услубий хужжатлари ўрганилди, ўқитувчи ва ўқувчилар жамоаси билан суҳбатлар ўтказилди. Дастлаб табиий география таълими жараёнининг педагогик ва услубий шарт-шароитларни ўрганиш мақсадида анкета-сўров ишлари амалга оширилди.

Шунингдек, мактаб ўқувчилари географик маданиятини шакллантириш имкониятлари, муаммолари, мезонлари, кўрсаткичлари ва даражаларини аниқлаш бўйича ишлар амалга оширилди ва бу жараёнда ўқувчи шахсида географик маданиятнинг шаклланганлик даражалари ва мезонларини ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлди. Хусусан, илмий, ўқув-услубий адабиётларнинг таҳлили ва мазкур йўналишдаги тадқиқот ишлари натижаларини ўрганиш асосида ўқувчиларда географик маданиятнинг шаклланганлик даражасини аниқлаш учун тавсиявий мезонлар ишлаб чиқилди.

Тавсиявий мезонлар шартли равишда уч гуруҳга ажратилди ва уларнинг мазмунини асос этирувчи кўрсаткичлар аниқланди: 1) оламнинг географик манзараси ҳақидаги тасавури тўлиқлиги, географик тафаккурга эгаллиги; 2) географик билиш методларини эгаллаганлиги; 3) географик тилни билиши, картографик кўникмалардан ижодий фойдаланиши (1-жадвалга қаранг).

Мазкур мезонларга мувофиқ ўқувчиларда географик маданиятнинг шаклланганлик даражалари белгиланди. Улар *етарли эмас*, *етарли* ва *юқори* даражага ажратилди.

**Ўқувчиларнинг географик маданияти шаклланиши
даражаларини аниқлаш мезонлари**

Оламнинг географик манзараси ҳақидаги тасавури тўлиқлиги, географик тафаккурга эгаллиги	Географик билиш методларини эгаллаганлиги	Географик тилни билиши, харитаграфик кўникмалардан ижодий фойдаланиши
МЕЗОНЛАР МАЗМУНИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР:		
-оламнинг яхлит географик манзараси ҳақидаги тасавури; -географик муҳитни илмий ва тасвирий идрок қилиши; -оламнинг табиий-географик тавсифини билиши; -географик муҳитни билиши ва унга муносабати; -атроф-муҳитдаги сабаб-оқибат боғланишларини ўрнатиш лаёқати; -ўз шахсий фикрига мувофиқ атроф-муҳитдаги табиатни асраш мўлжалларининг шаклланиши.	-географик объект ва ҳодисаларнинг ўхшашлигини ва тафовутини аниқлаши; -табиий-географик жараён ва ҳодисаларни таҳлил қилиши; -географик объект ва ҳодисаларга тавсиф беришда рақамли маълумотлардан фойдаланиши; -географик билиш жараёнида математик формула, жадвал ва чизмалардан фойдаланиши; -географик билиш жараёнида глобус ва асбоб-ускуналардан фойдаланиши.	-географик тушунча ва терминларни билиши; -географик жойнинг номларини билиши ва улардан фойдаланиши. -географик илмий далиллар, рақамлар ва саналарни билиши; -у ёки бу ҳудудларни ёки ҳодисаларни тавсифлашда микродорий кўрсаткичлардан фойдаланиши; -харитани ўқиш кўникмаси; -географик хариталарни билиши ва улар билан ишлаш кўникма ва малакаси.

Тажриба-синов ишлари давомида лойиҳаланган ва ташкил этилган интегратив ўқув машғулотлари давомида анъанавий ва замонавий таълим воситаларидан мажмуавий фойдаланишга асосланган таълим технологияси (“Геоинтегра”) қўлланилди. Мазкур таълим технологиясида икки босқич ажратилиб, биринчи босқич - ташкилий-лойиҳа босқичида ўрганиладиган мавзу мазмуни, таълим шакли, ўқув мақсадлари, таълим методлари ҳамда ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган компетенцияларга асосланиб, тегишли таълим воситаларини танлаш, иккинчи босқич - жараёний босқичда таълим воситаларининг дидактик функцияларидан келиб чиқиб машғулот жараёни босқичларида улардан мажмуали фойдаланиш муҳимлиги белгиланган.

Ўқувчиларда географик маданиятни шакллантириш борасидаги ишларни таҳлил қилиш мақсадида уларга ўқув дастуридаги мавзулар юзасидан ҳам тегишли саволлар билан мурожаат қилинди. Жумладан, 6-синф ўқувчиларига “Географик қобик” мавзуси бўйича: 1. Географик қобикнинг тавсифи, юқори ва қуйи чегараларини айта оласизми? 2. Географик қобикнинг умумий қонуниятлари тавсифини бера оласизми? 3. Кенглик ва

узунлик бўйича табиат мажмуаларининг алмашилини тушунтира оласизми? каби саволлар берилди. Жавоблар тавсия этилган мезонлар бўйича муайян натижаларда намоён бўлди.

